



**NEUTRALIZATION OF PHONOLOGICAL OPPOSITIONS IN UZBEKI**

Nabieva D. A.

Professor of Andijan State University. (Republic of Uzbekistan)

Nurmanova D. A.

Associate Professor of Andijan State University. (Republic of Uzbekistan)

**Abstract**

The article talks about phonological conflicts in the Uzbek language and their manifestations at the language level, moderation of phonological conflicts and situations leading to moderation.

**Keywords:** Phonological opposition, neutralization, progressive neutralization, regressive neutralization, assimilative and dissimilatory neutralization, position of neutralization.

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ФОНОЛОГИК ОППОЗИЦИЯЛАР НЕЙТРАЛИЗАЦИЯСИ**

Набиева Д. А.

Андижон давлат университети профессори. (Ўзбекистон Республикаси)

Нурманова Д. А.

Андижон давлат университети доценти. (Ўзбекистон Республикаси)

**Аннотация**

Мақолада ўзбек тилида фонологик зидланишлар ва уларнинг тил сатҳидаги кўринишлари, фонологик зидланишларнинг мўътадиллашуви ва мўътадиллашувга олиб келувчи ҳолатлар ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар** Фонологик оппозиция, нейтрализация, прогрессив нейтрализация, регрессив нейтрализация, ассимилятив ва диссимилятив нейтрализация, нейтраллашув позицияси. Мўътадиллашув (нейтрализация) тушунчаси тилшуносликка лисоний бирликларга функционал нуқтаи назардан ёндашувчи функционал лингвистика тарафдорлари томонидан киритилди. Икки реалликнинг муайян шароитда ўзаро фарқли белгиларининг кучсизланиши мўътадиллашув (нейтрализация) саналади. Масалан боғ, боқ сўзлари икки реаллик саналиб, охирги товушлар жарангли-жарангсизлик белгисига кўра ўзаро фарқланади. Лекин талаффузда боғ сўзидаги “ғ” жарангли ундоши сўзнинг охирги позициясида жаранглилик белгисини йўқотади. Натижада боқ билан талаффузда бир хил бўлиб қолади, яъни мўътадиллашади. Мўътадиллашув ҳодисаси дастлаб фақат фонологик сатҳ бирликлари учун қўлланилди. Фонемалар ўртасидаги фарқли белгиларнинг йўқолиши мўътадиллашув дейилди. Фонологияда эътироф этилган бу тушунча кейинчалик тилнинг бошқа сатҳ бирликлари учун ҳам қўлланила бошланди [4,56].



Фонологик оппозициялар мўтадиллашуви масаласига Н.С.Трубецкой жуда катта эътибор берди. У мўтадиллашувни фонологиянинг тамал тоши деб баҳолайди[1,115].

Агар мўтадиллашув ҳодисасини фақат фонологик сатҳагина эмас, балки тилнинг барча сатҳлари учун хос эканлигини эътироф этсак, бу ҳодиса тил ва нутқда объектив мавжуд эканлигини тан олмасдан иложимиз йўқ. Н.С.Трубецкой ва В.К.Журавлёвлар мўтадиллашув ҳодисаси фақат тил сатҳида ўрганадилар. Нутқ сатҳидаги мўтадиллашув назардан четда қолди. Аслида икки фонема ўртасидаги фарқловчи белгининг муайян позицияда фарқловчилик хусусиятининг йўқолиши мўтадиллашувга олиб келар экан, бу ҳодиса, аввало, нутқий жараёнда рўй беради ва даврлар ўтиши билан тилга кўчади. Шунинг учун ҳам тил ва нутқ сатҳидаги фонологик мўтадиллашувни бир-биридан фарқлаш лозим бўлади.

Фонологик зидланишлар мўтадиллашувини қуйидагича умумий формулада бериш мумкин:  $Pr+(a : b) \quad Pn+o:s$ . Бу формулада  $a, b$  -мўтадиллашувчи,  $s$ -мўтадиллашган,  $Pr$ -зидланишнинг кучли позицияси,  $Pn$ -мўтадиллаштирувчи позиция.

Юқоридаги формулани шундай изоҳлаш мумкин: Кучли позицияда ( $Pr$ ) ўзаро фонологик зидланишга эга бўлган икки фонема ( $a : b$ ) мўтадиллаштирувчи (кучсиз) позицияда ( $Pn$ ) фарқланиш хусусиятини йўқотади. Натижада кўпгина тилларда зидланаётган икки фонема ўрнига улардан тамомила фарқ қиладиган учинчи фонема ишлатилади. Масалан, Португал тилида ( $c:z$ ) сўз бошида  $/- \# /$  мўтадиллашади ва ( $s$ ) ҳолида талаффуз қилинади. Бу фонема ( $c:z$ ) фонемаларининг архифонемаси ёки гиперфонемаси ҳисобланади [2,37].

**Яъни:**  $Pr+(c:z) \quad Pn/- \# / +o:s$

Шу билан биргаликда  $s$  қисми зидланаётган фонемалардан бирига, асосан белгига эга бўлмаган қисмига тенг келиши мумкин. Масалан,  $z$ -с зидланишида “ $z$ ” фонемаси кучсиз позицияда “ $c$ ” га мувофиқ келиб қолади [5,328]. Масалан,  $ў/з/с/$ саноаттранс

Ўзбек тилида ҳам  $ғ-г$  фонемалари кучсиз позицияда  $қ$  фонемасига мўтадиллашади. Масалан, боғ+га – боққа; тоғ+га – тоққа ва бошқалар. Фонологик зидланишлар мўтадиллашувини ўрганишда уни тасниф қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Фонологик зидланишлар мўтадиллашуви ҳодисасини В.К.Журавлёв изидан бориб [2], мўтадиллашиш қисмлари асосида қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Мўтадиллашувчи қисмлар ( $a:b$ ) хусусиятига кўра;
2. Мўтадиллашувчи позиция ( $Pn$ ) хусусиятига кўра;
3. Мўтадиллашиш хусусиятига кўра.

**1. Мўтадиллашувчи қисмлар хусусиятига кўра мўтадиллашувнинг бир неча турини ажратиш мумкин.**

Н.С.Трубецкой фақат приватив зидланиш аъзоларигина мўтадиллашуви мумкин, деб ҳисоблаган эди. Приватив зидланиш шундай зидланишки, зидланувчилар фақат бир белгиси билан фарқланади. Қолган белгилари умумий бўлади. Масалан,  $k-g, t-d$ . Бу зидланишларни қуйидагича формула билан ифодалаш мумкин:

$$(a:b) = Am - (A:A1)$$



Бунда Ам – зидланувчиларнинг умумий белгилари; А-белгига эга бўлган аъзоси; А1-белгига эга бўлмаган аъзо. Масалан, к-г, т-д фонемалари бир белгиси билан – жаранглилик белгиси билан зидланган. Бу белги бир аъзосида (-г, д) бор; иккинчисида эса (-к, т) йўқ.

Зидланувчилар ўртасида мана шу фарқнинг йўқолиши улар ўртасидаги зидланишнинг мўътадиллашувига олиб келади: барг-барк (бак), суд-сут ва бошқ.

Туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида ундошлар учун кучсиз позиция сўзнинг охириги позицияси саналади. Мўътадиллашув ҳодисаси, асосан, ана шу позицияда рўй беради. Бундай хусусият кўпроқ коррелятив ундошлар учун ҳосдир. Коррелятив бўлмаган ундошларда эса бундай ҳодиса деярли учрамайди.

Юқорида таъкидланганидек, б-п, д-т, г-к, каби коррелятив ундошлар зидланишида мўътадиллашиш белгига эга бўлган (жарангли) ундошдан белгига эга бўлмаган (жарангсиз) ундошга қараб бўлади.

Баъзан эса унинг акси ҳам бўлиши мумкин. Бу вақтда коррелятив ундош олдида келган унли чўзилади. Унинг чўзилиши эса жарангсиз ундошнинг жарангига қараб мўътадиллашувига имкон яратади. Масалан:

Навбаҳор, очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,

Суҳбат айлайлик, келинлар, жўралар, **ўртоқлар.**

(Муқимий)

Бу мисрада **ўртоқ** сўзининг охириги позициясида келган жарангсиз **к** ундоши билан унинг жарангли зидди **г** ўртасидаги фарқланиш зидланаётган ундош олдидаги унлининг чўзиқ талаффуз қилинишига кўра йўқолади ва жарангли ундош билан ўхшаш бўлиб қолади. Бундай мўътадиллашув жарангсиз коррелятларнинг интервокал (икки унли ўртаси) позицияда келишида ҳам кузатилади. Масалан, юрак+им – юрагим, билак+им–билагим, ўртоқ+им–ўртоғим, қишлоқ+им–қишлоғим...

Лекин бир бўғинли сўзларнинг охириги позициясида келган жарангсиз ундошларнинг жарангли ундош билан мўътадиллашuvi учрамайди. Масалан, тик+иб–тикиб, чиқ+иб–чиқиб, эк+ин–экин ва бошқалар.

Маҳаллий ўзбек шеваларида эса бундай позицияда ҳам мўътадиллашув ҳодисасини кузатиш мумкин. Масалан, қипчоқ шеваларида: чиқ+иб–чиғиб, эк+ин–эгин ва бошқалар.

Маълумки, сонор ундошлар акустик жиҳатдан унлидан фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳам жарангли-жарангсизлик белгисига кўра зидланувчи ундошлар унли билан сонор ўртасида келганда ҳам фарқланиш белгисини йўқотиши мумкин. Масалан, чоқ+лар–чоғлар; ўртоқ+лар–ўртоғлар ва бошқалар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, приватив зидланишдаги ундошлар кўпроқ бир белгисига кўра: овоз белгисига кўра (жарангли-жарангсизлик) бир-бирига қарама-қарши қўйилади ва бу ундошларнинг кучсиз позициясида шу белгига кўра зидланиш белгиси йўқолади, яъни мўътадиллашади.



Мисоллар шуни кўрсатадики, мўтадиллашиш ҳодисаси Н.С.Трубецкой кўрсатган бар ўлчовли ва приватив оппозицияга киришувчи фонемалар учунгина ҳос бўлиб қолмай, кўп ўлчовли ва приватив бўлмаган (эквиволент ва градуал) оппозицияга кирувчи фонемалар учун ҳам ҳосдир. Масалан, иккинчи ва ундан сўнгги бўғинларда **о:а** зидланиши йўқолади: ишбилармон//ишбиларман; тахмон//тахман ва бошқалар. **о:а** унлилари икки белгисига кўра ўзаро зидланади:

1) тилнинг кўтарилиши даражасига кўра: **а**–қуйи кўтарилиш, компакт (А), **о**–қуйи кўтарилиш эмас, яъни компакт эмас (А<sub>1</sub>).

2) лаб иштарокига кўра: **а**–лабланмаган (В), **о**–лабланган (В<sub>1</sub>). Юқоридаги мўтадиллашувни қуйидаги формулада кўрсатиш мумкин:

$$(a:b) + Am(A:B) = Am(AB:A_1B_1)$$

## **2. Мўтадиллашувчи позиция (P<sub>n</sub>) хусусиятига кўра мўтадиллашув тури.**

Мўтадиллашувчи позиция (P<sub>n</sub>) хусусиятига кўра мўтадиллашув бир қанча турларга бўлинади. Мўтадиллашувнинг турларини ажратишда қуйидаги жиҳатлар тасниф асоси бўлиши мумкин:

1. Мўтадиллашувга шароит яратадиган фонеманинг мўтадиллашиш ўрни.

2. Товушлар занжирига мўтадиллашувнинг йўналиши.

3. Мўтадиллашув позициясининг таъсир хусусияти.

1. Мўтадиллашувга шроит яратадиган фонеманинг мўтадиллашиш ўрнига кўра мўтадиллашуви қуйидаги турларга бўлинади:

а) контакт (P<sub>n</sub>);

б) дистант (P<sub>n</sub>).

Бунинг ичида энг кўп учрайдиган мўтадиллашув контакт мўтадиллашувдир. Контакт мўтадиллашув, асосан, ундошлар учун ҳосдир. Масалан, интервокал позицияда ҳамда сонор олди позициясида ундошларнинг жарангли-жарангсизлик белгисига кўра мўтадиллашуви контакт мўтадиллашув ҳисобланади.

Дистант мўтадиллашув кўпроқ унлилар учун ҳос бўлиб, агглютинация жараёнида рўй беради. Бунга мувофиқ аффикслар таркибидаги унлиларнинг юмшоқ-қаттиқликка кўра зидланиши ўзак таркибидаги унлининг юмшоқ-қаттиқлигига кўра мувофиқлашади.

2. Товушлар занжирида мўтадиллашув йўналишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

а) прогрессив **P<sub>n</sub>**, яъни **P<sub>n</sub> + (о:с)**;

б) регрессив **P<sub>n</sub>**, яъни **(о:с) + P<sub>n</sub>**

Мўтадиллашувчи позициядан олдин рўй берадиган фонемалар зидланувининг мўтадиллашуви прогрессив мўтадиллашув ҳисобланади. Масалан, юрасти (юрарди). Аксинча, мўтадиллашувчи позициядан сўнг рўй берадиган фонемалар зидланувининг мўтадиллашуви регрессив мўтадиллашув саналади: Масалан, қочди-қочти, ёпган-ёпкан ва бошқалар.

3. Мўтадиллашув позициясининг таъсир хусусиятига кўра мўтадиллашув қуйидаги турларга бўлинади:

а) ассимилятив мўтадиллашув;



б) диссимилятив мўтадиллашув.

Ассимилятив мўтадиллашув йўл очувчи фонема мўтадиллашаётган зид фонемалар белгиси билан бир хил белгига эга бўлиб қолади. Буни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$P_n(A)c = A_m + A.$$

Нейтраллашувчи ва нейтраллашишга шароит яратувчи фонемалар учун умумий бўлган белгини қавс ташқарисига чиқариш мумкин бўлади. У ҳолда ассимилятив нейтрализация формуласини қуйидагича бериш мумкин:

$$P_n(A) + o(A_1 : A_2) A_m$$

Қавсдан ташқарига чиқарилган умумий белги ижобий ҳам, салбий ҳам бўлиши мумкин. Масалан, жарангсиз-жарангли фонемалардан акустик жиҳатдан ижобий белгига эга бўлган жарангли фонеманинг жарангсиз билан мўтадиллашуви ёки, аксинча, умумий белги иштирок этмаган жарангсиз фонеманинг жарангли билан мўтадиллашуви мумкин. Масалан, изсиз-иссиз.

Диссимилятив мўтадиллашувда  $P_n(A)$ нинг ижобий белгиси мўтадиллашув шароитида салбий белгиси билан  $(A_1)$  алмашинади. Яъни:  $c = A + (A) - c = A + (A_1)$ . Масалан, Андижон шевасида борастим (борардим), келастим (келардим).

### 3. $Pr + (a:v) P_n + o:c$ мўтадиллашувининг характериға кўра мўтадиллашув тури.

Мўтадиллашув характериға кўра мўтадиллашувни қуйидаги турларға бўлиш мумкин:

- 1) сўз структураси билан мувофиқлашган структур мўтадиллашув;
- 2) контекст билан боғлиқ бўлган контекстуал мўтадиллашувлар;
- 3) структур-контекстуал мўтадиллашув.

Структур мўтадиллашувға сўз бўғинларининг сўз урғусига нисбатан муносабати, бўғиннинг архитектониғаси билан боғлиқ бўлган мўтадиллашувлар киради.

Туркий тиллар урғу тушиш ўрниға кўра боғли, урғу хусусиятиға кўра динамик урғули тилларға киради. Кўп бўғинли сўзларда урғу сўзнинг охири бўғиниға тушади. Биринчи бўғинда эса бўғин тузилиши бузилиб кетмаслиғи учун иккинчи даражали урғу сақланиб қолади. Иккинчи бўғин урғусиз бўғинға айланади. Шунинг учун ҳам сўзнинг бу бўғинида унлилар лабланиш белгисига кўра, компактлик-диффузлик белгисига кўра мўтадиллашиши мумкин. Масалан, қусур+и – қусири, қилун+им – қулиним ва бошқалар.

Икки бўғинли сўзларда биринчи бўғин урғусиз бўлади. Бу эса биринчи бўғинда ҳам унлилар талаффузи учун кучсиз позицияни ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам бу шароитда унлиларнинг компактлик-фиффузлик, лабланиш белгисига кўра мўтадиллашувига имкон яратилади. Масалан, таш+иқ – тишиқ – тишқ – чиқ (А.Ғулом), ўнакки – ўнэкки – ўникки ва бошқалар. Контекстуал мўтадиллашув аффикс морфемалар унлиларидаги юмшоқлик-қаттиқлик зидланувининг ўзак морфема унлиси характериға кўра мўтадиллашуви саналади. Масалан, қуллўқ, «таъзим»-қуллўқ «қуллик»...



Урғуга нисбатан эгалланган позиция аффиксал ёки ўзак морфеманинг қайси ўринда келишигагина қараб эмас, балки, ўзак морфема унлиларининг сифати таъсирида ҳам рўй берадиган мўътадиллашув структур-контекстуал мўътадиллашув ҳисобланади. Масалан, эчки-ички (Тошкент), эчки (сўзлашув) ва бошқалар.

#### **4. Мўътадиллашиш даражаси жиҳатидан мўътадиллашув тури.**

Мўътадиллашув даражасига кўра мўътадиллашув тўлиқ мўътадиллашув ва тўлиқсиз мўътадиллашувга бўлинади.

Маълум белгига кўра мўътадиллашув коррелятив зидланувчи барча фонемаларни қамраб олса, бундай мўътадиллашув тўлиқ мўътадиллашув ҳисобланади. Масалан, сўзнинг охириги позициясида жарангли-жарангсизлик белгисига кўра зидланувчи барча коррелятив ундошлар мўътадиллашиш хусусиятига эга. Бунда мўътадиллашиш жарангсизлик белгиси ҳисобига рўй беради. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин:

**Pr +C (A:A1) Pn+C (A1)**

Маълум белгига кўра мўътадиллашиш коррелятив зидланувчи барча фонемаларни қамраб ололмаса, бундай мўътадиллашув тўлиқсиз мўътадиллашув саналади. Масалан, сонорлар оппозициясидан фақат **м-н** жуфтлиги **б** ундоши олдида келганда мўътадиллашади. Мўътадиллашиш олдинги фонема фойдасига бўлади: манба-мамба, шанба-шамба ва бошқалар. Шунингдек, интервокал позицияда ёки сонор олди позициясида келган ундошнинг жарангли-жарангсизлик белгисига кўра мўътадиллашуви ҳам бу белгига кўра барча коррелятив ундошларни қамраб олмайди. Масалан, кечик+и-кичиги, керак+и-кераги. Лекин эк+ин-экин (эгин эмас), чиқ+иб-чиқиб (чиғиб эмас) ва бошқалар.

#### **5. Реал борлиққа муносабатига кўра мўътадиллашув тури.**

Реал борлиққа муносабатига кўра мўътадиллашувни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- а) реал мўътадиллашув;
- б) потенциал мўътадиллашув.

Ҳозирги ўзбек тили фонологик тизимининг нутқий реаллашувида амал қилаётган мўътадиллашув реал мўътадиллашув саналади.

Муайян шароитда мўътадиллашиш имкониятига эга бўлган, лекин амалга ошмаган мўътадиллашув потенциал мўътадиллашув саналади.

Потенциал мўътадиллашув тўлиқсиз мўътадиллашув доирасида учрайди. Масалан, жарангли-жарангсизлик белгисига кўра ундошларнинг мўътадиллашиш шароити интервокал ҳолатдир. Лекин бу шароитда келган ҳамма коррелятив ундошлар ҳам мўътадиллашавермайди. Мўътадиллашиш имконияти амалга ошмайди. Бундай имконият диалектал вариантда ёки тилнинг муайян тарихий босқичида амалга ошиши мумкин. Масалан, чиқ+иб-чиқиб (қипчоқ шеваларида чиғиб).



Қадимги туркий тилда унлиларгина эмас, балки ундошлар ҳам қаттиқлик-юмшоқлик белгисига кўра вариантларга эга бўлган. Даврлар ўтиши билан бу вариантлар мўътадиллашиш босқичи орқали алоҳида-алоҳида фонемаларга айланган. Шунинг учун ҳам Е.Д.Поливанов ундошлар конвергенцияси формуласини мўътадиллашув формуласига яқин ифодалайди.

**а х б с.** →

Икки фонеманинг бир фонемага бирлашуви ва бир фонемадан иккинчи фонеманинг ажралиб чиқиши ҳодисалари, албатта, мўътадиллашув жараёнини босиб ўтади [2,48]. Яъни:

**Pr+(a:б) Pn +(a:б) с.** →

**6. Релевантлик позицияси билан мўътадиллашув позицияси муносабатига кўра мўътадиллашув тури.** Релевантлик позицияси билан мўътадиллашув позицияси ўртасидаги муносабат мўътадиллашаётган оппозициянинг муҳим характеристикаларидан биридир. Айрим ҳолларда зидланиш маълум бир позицияда реаллашади. Бошқа позициялар эса мазкур фонемалар зидланиши учун мўътадиллашиш позицияси ҳисобланади. Масалан, унлиларнинг зидланиш позициялари биринчи очиқ бўғин бўлиб, қолган барча позициялар мўътадиллашув позицияларидир. Шунингдек, ундошлар учун зидланиш позицияси унли олди позицияси саналади, қолган барча позициялар мўътадиллашув позицияси ҳисобланади.

Шундай қилиб, фонологик оппозициялар мўътадиллашувини турли белгиларига кўра турлича тасниф қилиш мумкин. Тил сатҳидаги мўътадиллашишнинг умумий типлари бевосита нутқ босқичида турлича реаллашади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Трубецкой Н.С. Некоторые соображения относительно морфологии. // Пражский лингвистический кружок. – М., 1967. –С. 115-119. Журавлев В.К. К проблеме нейтрализации фонологических оппозиций. // Вопросы языкознания. 1972. -№3. –с. 36-37-48.
2. Богораз-Бухман Л.И. Фонологическая нейтрализация на уровне дифферентов и фонем в русском языке. – М., Дисс. ...канд.филол.наук. – 1964. – 168 с.
3. Бельдиян В.М. Звуковая система современного русского языка и вопросы нейтрализаций фонем. – М., Дисс. ...канд.филол.наук. 1968. – 169 с.
4. Лингвистический энциклопедический словарь. –М: Наука, 1990. -328 с.
5. Нурманова Д.А. Ўзбек тилида унлилар мўътадиллашуви. Innovation and Global Issues in multidisciplinary Sciences IV. Antalya, 2018
6. Нурманова Д.А. Neutralization of consonant opposition in anlaut of the uzbek language. Academicia Globe: Inderscience Research. Volume 2, Issue 6 of Academicia Globe: Inderscience Research June, 2021. 347-354.